

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ТУРДИҚУЛОВ ИСЛОМ ХАЙИТБОЙ ЎҒЛИ

**ПОЛИЭТИЛЕН АСОСИДА БИОПАРЧАЛАНУВЧИ
МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ОЛИНИШИ, ТУЗИЛИШИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

УЎТ:547.458.61

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Турдикулов Ислом Хайитбой ўғли

Полиэтилен асосидаги биопарчаланувчи материалларнинг
олиниши, тузилиши ва хоссалари 3

Турдикулов Ислом Хайитбой угли

Получение, структура и свойств биоразлагаемых материалов на
основе полиэтилена 21

Turdikulov Islom Khayitboy ogli

Obtaining, structure and property of the biodegradable materials based
on polyethylene 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published..... 42

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ТУРДИҚУЛОВ ИСЛОМ ХАЙИТБОЙ ЎҒЛИ

**ПОЛИЭТИЛЕН АСОСИДАГИ БИОПАРЧАЛАНУВЧИ
МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ОЛИНИШИ, ТУЗИЛИШИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/K437 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Полимерлар кимёси ва физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Атаханов Абдумутолиб Абдупатто ўғли техника фанлари доктори |
| Расмий оппонентлар: | Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич кимё фанлари доктори, профессор Рафиков Адхам Салиевич кимё фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Тошкент кимё-технологияси институти |

Диссертация химояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» июнь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7⁶ уй. Тел.:(+99871) 241-85-94, факс: (+99871) 241-26-60, e-mail: polymer@academy.uz)

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (31 рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7⁶ уй. Тел.:(+99871)241-85-94).

Диссертация автореферати 2022 йил « 26 » май куни тарқатилди.
(2022 йил « 26 » май даги 4 рақамли реестр баённомаси.)

С.Ш.Рашидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

М.М.Усманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., катта илмий ходим

В.О. Кудышкин

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси муовини, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда синтетик полимер материалларнинг қўлланилиш соҳалари кенгайиши билан бир қаторда, улардан ҳосил бўладиган пластик чиқиндиларнинг экология тизимига салбий таъсири ҳам ортиб бормоқда. Ушбу пластик чиқиндиларнинг табиий шароитда узок муддат (юз йиллар) давомида парчаланиши глобал экологик муаммони келтириб чиқармоқда ва бу муаммони илмий ёндашувларга асосланган ҳолда ҳал қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда синтетик полимерлар асосидаги чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича турли хил йўналишларда, жумладан, чиқиндиларни қайта ишлаш орқали техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқиш, ҳар хил табиатга эга бўлган қўшимчалар қўшиш орқали биопарчаланувчи композициялар яратиш бўйича илмий изланишлар фаол олиб борилмоқда. Бу борада, синтетик полимерлар таркибига биопарчаланувчан табиий юқори молекуляр бирикмалар, қуёш нурлари таъсирида фотодеструкцияси жараёнини иницирловчи қўшимчалар қўшиш орқали биопарчаланувчи композицияларни яратиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда соғлом экотизимни сақлаш, яшил технологияларни жорий этиш, экологик хавфсиз полимер маҳсулотлар яратишга доир илмий-амалий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар яратишни ривожлантиришда илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, рақобатбардош полимер маҳсулотларни ишлаб чиқариш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Мамлакатимизни янада ривожлантириш бўйича Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹, 2030 – йилгача бўлган илм-фанни ривожлантириш концепциясида² «...маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада Ўзбекистон Республикасида маҳаллий синтетик полимерлар асосида биопарчалануш хусусиятига эга бўлган, механик хоссалари бўйича синтетик полимерлар ўрнини боса олувчи экохавфсиз полимер композицияларини яратиш ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштиришга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони.

жозибаторлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 30-октябрдаги ПФ-5863-сонли «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сонли “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сонли “Кимё саноати корхоналарини янада ислох қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг қатор етакчи илмий марказларида табиий шароитда парчаланиш хусусиятига эга бўлган композициялар яратиш бўйича илмий изланишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Чоп этилган нашрларнинг кўпчилигида асосан синтетик полимерлар (полиэтилен (ПЭ), полипропилен (ПП) ва бошқ.) асосида биопарчаланиш хусусиятига эга бўлган янги композицион материаллар яратишга бағишланган. Синтетик ва табиий полимерлар (крахмал, целлюлоза, хитозан ва бошқ.) асосида биопарчаланувчи композициялар яратиш бўйича олиб борилган илмий йўналишларни ривожлантиришга С.З. Роговина, А.А. Попов, А.И. Суворов, Р.К. Roy, I.Jakubowicz ва бир қатор илмий мактаблар катта ҳисса қўшишган.

Республикада мазкур йўналиш ривожига академик С.Ш. Рашидова, профессорлар Н.Р. Ашуров, А.А. Саримсоқов, В.О. Кудишкин, т.ф.д. А.А. Атаханов ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшган.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда синтетик полимерлар асосида ҳам микроорганизмлар, ҳам ультрабинафша нурлар таъсирида парчаланувчан композициялар яратиш, уларнинг полимер матрицада бир хил тақсимланишини таъминловчи комплекс табиатга эга компатибилизаторларни қўллаш борасидаги илмий тадқиқот ишлари етарлича ўрганилмаган. Бу ўз навбатида ушбу йўналишда чуқур фундаментал ва амалий изланишларни амалга ошириш, полиолефин ва табиий полимерлардан ташкил топган композиция таркибига полиолефинни ультрабинафша нурлар таъсирида декструкция жараёнини иницирловчи қўшимчалар қўшиш орқали тўлиқ биопарчаланувчи композицион материаллар яратиш истиқболларини юзага келтиради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий тадқиқот

ишлари режасининг ГНТП А-12(102+103) «Маҳаллий хомашё манбааларидан турли мақсадлар учун мўлжалланган целлюлоза олиш ва наноцеллюлоза асосида янги нанокомпозицион материаллар олиш технологиясини яратиш бўйича» (2015-2017 йй.) ва «ИЗ 20170919180 Полиэтилен асосида биопарчаланувчи плёнкалар олиш технологияси» (2018-2019 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади полиэтилен асосида биопарчаланувчи композициялар олиш, уларнинг тузилиши ва хоссаларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли хом ашёдан олинган крахмал таркибини (амилоза ва амилопектин микдорини) аниқлаш, кўп атомли спиртлар иштирокида пластификация қилиш орқали термопластик ҳолатга ўтказиш (термопластик крахмал (ТПК)) ва полиэтилен билан композициялар олиш;

қуйи молекуляр полиэтиленни малеин ангидриди иштирокида функционализациялаш орқали пайвандланган сополимер синтез қилиш, унинг хосса ва тузилишини тадқиқ қилиш ҳамда номойил икки компонентли полимер системаларда компатибилизатор (КМП) сифатида қўллаш имкониятларини аниқлаш;

ультрабинафша нурлар таъсирида полиэтиленнинг деструкция жараёнини иницирловчи органик кислота тузлари асосида прооксидант бирикмаларни (ПРО) синтез қилиш, хоссалари ва тузилишини тадқиқ қилиш ҳамда полиэтилен билан композициялар олиш;

ПЭ-Кр, ПЭ-ТПК, ПЭ-КМП-ТПК, ПЭ-КМП-ТПК-ПРО ҳар хил таркибли композицияларнинг физик-механик ва биопарчаланиш хоссаларни ўзаро солиштириш орқали тадқиқ қилиш, оптимал таркибли композицияларни танлаш;

танланган таркибли композициялар асосида компаунд ва плёнка ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва тадбиқ қилиш, ҳамда ушбу технология асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг зарарсизлигини, биопарчаланувчанлигини ва қўллаш имкониятларини лаборатория ва табиий шароитларда исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти –полиэтиленнинг F-0320 маркаси, турли хом-ашёлардан олинган крахмал намуналари, қуйи молекуляр полиэтилен, карбон кислоталарнинг тузлари ва улар асосидаги композициялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметикрахмални термопластик хусусиятга келтириш, қуйи молекуляр полиэтиленни малеин ангидрид билан пайвандланиш қонуниятларини тадқиқ этиш, металл карбоксилатларини синтез қилиш, улар асосида био- ва оксо- парчаланувчи композициялар яратиш, биопарчаланувчи композицияларнинг физик-механик, физик-кимёвий ва биопарчаланувчанлик хусусиятларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари.Тадқиқотларда атом кучланиш микроскопия (АКМ), ИҚ-Фурье, УБ-спектроскопия, рентгенография, термогравиметрия, физик-механик ва кимёвий анализ усулларидан фойдаланилган.

Дисертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўп атомли спиртлар (глицерин ва сорбитол) аралашмасининг белгиланган аниқ нисбатларда ва оптимал шароитда крахмални пластификация қилиш орқали термопластик ҳолатига ўтказиш шароитлари аниқланган;

илк бор сууюқланмада юқори пайвандланиш даражасига эга малеинизацияланган қуйи молекуляр полиэтилен синтез қилинган, синтез жараёнига таъсир қилувчи ўзгарувчан омилларга боғлиқ равишда реакция кинетикаси тадқиқ қилинган, унинг тузилиши ва хоссалари аниқланган ҳамда полиэтилен асосида композиция олишда компатибилизатор сифатида қўллаш имкониятлари кўрсатилган;

илк бор ўзгарувчан валентли металл тузлари асосида прооксидант (оксо-қўшимча) бирикмалари синтез қилинган ва уларнинг ультрабинафша нурлар таъсирида полиэтилен занжирда деструкция жараёнини иницирлаш хусусияти исботланган;

илк бор янги синтез қилинган компатибилизатор иштирокида полиэтилен, термопластик крахмал, прооксидант асосида мустақкамлиги юқори бўлган, чекланган муддатларда микроорганизмлар ва ультрабинафша нурлар таъсирида биопарчаланувчи плёнка шаклидаги композициялар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда иборат:

полиэтилен асосида биопарчаланувчи композициялар олишда оптимал таркиб, олиш шароитлари ва композициянинг физик-механик, физик-кимёвий ҳамда биопарчаланувчанлик хусусиятлари аниқланган;

полиэтилен асосида биопарчаланувчи материаллар ишлаб чиқариш технологияси яратилган, мазкур технология асосида олинган биопарчаланувчи компаунд плёнка намуналарининг инсон саломатлигига ва тупроқ инфраструктурасига салбий таъсири мавжуд эмаслиги исботланган;

қуёш нурлари таъсирида полиэтиленни парчаланишини таъминловчи оксоқўшимча синтез қилинган ва уни биопарчаланувчанликка таъсири табиий шароитларда ва халқаро стандарт усуллар асосида исботланган;

полиэтилен - термопластик крахмал - компатибилизатор - оксо-қўшимча таркибли биопарчаланувчи компаунд гранула ва унинг асосида олинган плёнка учун меъёрий-техник ва технологик хужжатлар тўплами шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Полиэтилен асосида биопарчаланувчи композицияларни олиниши ва уларнинг физик-кимёвий, физик-механик ҳамда биопарчаланувчанлик хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тажрибалар натижалари замонавий физик-кимёвий ва халқаро стандарт усуллар ёрдамида аниқланган. Олинган илмий ва амалий натижалар республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, крахмални пластификациялаш орқали уни термопластик ҳолатга келтириш шароитлари аниқланган, қуйи молекуляр полиэтиленни малеин ангидрид билан модификациялаш орқали малеинизацияланган қуйи молекуляр полиэтилен

синтез қилинган ва у синтетик ва табиий полимерлар асосида композициялар олишда полимер матрицада дисперс фазанинг бир хил тақсимланишини таъминловчи компатибилизатор хусусиятига эга эканлиги илмий асосланган. Ультрабинафша нур таъсирида полиэтилен макромолекуласида деструкция жараёнини иницирловчи оксо-қўшимча синтез қилинган ва унинг полиэтилен парчаланиш жараёнига таъсири кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, полиэтилен асосида биопарчаланувчи компаунд ва плёнкалар олиш технологияси яратилган, ушбу технология асосида озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги, халқ ҳўжалиги ва саноатда қадокловчи восита сифатида, бир йиллик ўсимликларни плёнка остига экишда қўлланилиши мумкин бўлган плёнкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Мазкур технология асосида олинган компаунд ва плёнкаларнинг инсон саломатлигига ва экотизимга (тупроқ инфраструктурасига) салбий таъсири мавжуд эмаслиги Тошкент тиббиёт академияси, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти томонидан аниқланган ва тегишли ҳулосалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Полиэтилен асосида биопарчаланувчи материалларнинг олиниши, тузилиши ва хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида “Жиззахпластмасса” АЖ билан полиэтилен асосида биопарчаланувчи плёнка олиш усулини яратиш бўйича шартнома тузилган (2017 йил 24 мартдаги 24/03-сонли шартнома). Натижада полиэтилен асосида биопарчаланувчи плёнка ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва “Жиззахпластмасса” АЖда тадбиқ қилиш имконини берган;

биопарчаланувчи полимер компаунд (Ts 21889093-01:2019) ва биопарчаланувчи полимер плёнка (Ts 25261285-08:2019) учун техник шартлари “Узстандарт” агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган. Мазкур техник шарт маҳсулотларнинг сифати ва технология жараёнини назорат қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация бўйича олинган асосий натижалар 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, булардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий нашрларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 1 та хорижий ва 4 та республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, олти боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объектлари ва предметлари белгиланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Синтетик полимерлар асосида биопарчаланувчи композицион материаллар олиш: муаммо ҳолати ва уни ҳал қилиш усуллари**» номли биринчи бобида синтетик ва табиий полимерлар асосида биопарчаланувчи композицион материаллар яратиш бўйича илмий нашрларда эълон қилинган турли синтетик полимерлар ва биопарчаланувчи табиий полимерлар асосидаги полимер аралашмаларини шакллантиришда юзага келувчи муаммолар, табиий полисахаридларга термопластик хосса бериш ва ўзаро мойиллиги бўлмаган компонентлардан композициялар олишда ҳар хил компатибилизаторлардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда полиолефинларни ультрабинафша нурлар таъсирида парчаланганини таъминловчи кўшимчаларга бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти ва методлари**» номли иккинчи бобида тадқиқот объектлари техник тавсифлари, полиэтилен композициялар ва термопластик крахмалларни лаборатория ва саноат шароитларида олиш, компатибилизатор синтез қилиш ва олинган материалларнинг структурасини оптик, рентгенографик, инфрақизил ва ультрабинафша спектроскопия усуллари ёрдамида ўрганиш ҳамда материалларнинг реологик, физик-механик ва оксо- ва биопарчаланувчанлик хусусиятларини текшириш усуллари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Полиэтилен ва крахмал асосида биопарчаланувчи материаллар олиш**» номли учинчи бобида турли ўсимликлардан олинган крахмаллар таркиби ва хоссаларини текшириш, крахмални пластификация қилиш имкониятлари ва улар асосида полиэтилен билан композиция намуналари олиш, кукунсимон ва термопластик крахмаллар асосида олинган композицияларнинг физик-механик, оптик, реологик хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган. Шунингдек мазкур бобда қуйи молекуляр полиэтиленга малеин ангидрид тикиш орқали компатибилизатор синтез қилиш ҳамда унинг асосида композициялар олиш ва хоссаларини ўрганиш бўйича ишлар олиб борилди.

Турли ўсимликлардан олинган крахмал намуналарининг кўрсаткичлари аниқланди ва унга кўра маккажўхори крахмалининг зичлиги, намлиги, куллиги ва зарра ўлчамлари қолган иккита намунага нисбатан кичиклиги ҳамда таркибила амилоза миқдори ва ва ажратиш самарадорлиги энг юқори қийматларни намоён қилди. Полиэтилен ва крахмал (Кр) нинг

маккажўхоридан Kp_m , картошкадан Kp_k ва гуручдан Kp_r ажратиб олинган намуналари асосида турли нисбатларда ($PЭ/Kp = 95/5, 90/10, 80/20, 70/30, 60/40$) композиция намуналари олинди.

Улар асосида олинган плёнка намуналарининг структураси, нур ўтказувчанлиги, физик-механик ҳамда реологик хусусиятлари ўрганилди. Полиэтилен композицияларининг механик хусусиятлари (узилишдаги мустаҳкамлик (σ , Мпа), нисбий чўзилувчанлик (ϵ , %)), нур ўтказувчанлик (τ , %), суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи (СОК) қийматлари $PЭ/Kp_m > PЭ/Kp_k > PЭ/Kp_r$ қаторида камайиб бориши кузатилди. Олинган натижалар ўзаро солиштирган ҳолда, полиэтилен асосида биопарчаланувчи материаллар олишда тўлдирувчи сифатида Kp_m ни кейинги тадқиқотлар учун танлаб олинди.

Kp_m ни турли нисбатлардаги полиоллар (сорбитол, глицерин) иштирокида пластификация (желатинизация) жараёни олиб борилди ва термопластик хусусиятга эга крахмал (ТПК) намуналари олинди ва уларнинг структураси тадқиқ қилинди. ТПК намуналари Н-боғланишлар миқдори ортиб бориши кузатилди ва желатинизация жараёни учун оптимал нисбат сифатида 30% глицерин сақлаган ТПК_{30/00} ва 13% глицерин ва 26% сорбитол қўлланилган ТПК_{13/26} таркибли намуналар танлаб олинди. Крахмални желатинизация қилиш натижасида унинг кристалл структура параметрлари ўзгарган ҳолда, КД пасайиши ва табиий крахмалда мавжуд бўлмаган 18,3° да V_a -типдаги ҳамда 20,3° да V_n -типдаги янги кристаллар ҳосил бўлиши кузатилди.

Икки шнекли экструдерда Kp ва ТПК асосида ПЭ билан ҳар хил нисбатларда композициялар олинди ва хоссалари аниқланди.

1-жадвал

Крахмал ва ТПК асосида олинган ПЭ композицияларнинг кўрсаткичлари

| Намуналар | Тўлдирувчи миқдори, % | Тўлдирувчи тури | Зичлик, гр/см ³ | СОК (гр/10мин) |
|---|-----------------------|----------------------|----------------------------|----------------|
| ПЭ | 0 | - | 0,92 | 3,10 |
| ⁸⁰ ПЭ ²⁰ Кр | 20 | Кр | 0,95 | 2,52 |
| ⁷⁰ ПЭ ³⁰ Кр | 30 | Кр | 0,99 | 2,10 |
| ⁸⁰ ПЭ ²⁰ ТПК _{30/00} | 20 | ТПК _{30/00} | 0,97 | 2,60 |
| ⁷⁰ ПЭ ³⁰ ТПК _{30/00} | 30 | ТПК _{30/00} | 1,02 | 2,22 |
| ⁸⁰ ПЭ ²⁰ ТПК _{13/26} | 20 | ТПК _{13/26} | 0,98 | 2,65 |
| ⁷⁰ ПЭ ³⁰ ТПК _{13/26} | 30 | ТПК _{13/26} | 1,08 | 2,35 |

Тўлдирувчи миқдори ортиб бориши билан системанинг қовушқоқлигини камайтиришга олиб келди. Kp ва ТПК бир хил концентрация қўшилган намуналарни ўзаро солиштирилганда, ПЭ/ТПК намуналарида СОК юқори эканлиги аниқланди, бу ўз навбатида бу намуналарнинг юқори ҳароратларда қайта ишлашда имконияти юқори бўлади.






Kp ва ТПК намуналари асосида олинган ПЭ композициялардан бир шнекли пуфловчи лаборатория экструдери ёрдамида плёнка намуналари шакллантирилди ва олинган плёнкаларнинг хоссалари тадқиқ қилинди.

Кр ва ТПК асосида олинган плёнкаларнинг кўрсаткичлари

| Намуналар | σ , МПа | ϵ , % | τ , % |
|--|----------------|----------------|------------|
| ПЭ | 17 | 600 | 99 |
| ⁸⁰ ПЭ/ ²⁰ Кр | 6,6 | 106 | 88 |
| ⁷⁰ ПЭ/ ³⁰ Кр | 5,5 | 85 | 84 |
| ⁸⁰ ПЭ/ ²⁰ ТПК _{30/00} | 14,1 | 448 | 91 |
| ⁷⁰ ПЭ/ ³⁰ ТПК _{30/00} | 12,5 | 430 | 87 |
| ⁸⁰ ПЭ/ ²⁰ ТПК _{13/26} | 15,2 | 460 | 93 |
| ⁷⁰ ПЭ/ ³⁰ ТПК _{13/26} | 13,8 | 443 | 89 |

ПЭ композиция таркибига қўшилган тўлдирувчининг миқдори ортиб бориши билан σ , ϵ ва τ камайиб бориши кузатилди. Бунда механик ва оптик хусусиятлар нафақат тўлдирувчи миқдорига балки қўлланилган тўлдирувчи турига ҳам боғлиқ бўлиб, фойдаланилган тўлдирувчилар Кр_м-ТПК_{30/00}-ТПК_{13/26} каторида механик ва оптик хусусиятларга салбий таъсирини камайтиришга олиб келди.


Композиция таркибидаги ПЭ ва ТПК ни ўзаро мойиллигини ошириб бир текисда тақсимотга олиб келишда компатибилизатор сифатида қўллаш учун қуйи молекуляр полиэтилен (ҚМПЭ)га кутбли мономер малеин ангидрид (МА) билан суюқланмада пайвандлаш реакцияси олиб борилди ва малеинизацияланган қуйи молекуляр полиэтилен (ҚМПЭ-g-МА) олинди. Синтез жараёнида ПЭга МА нинг пайвандланиш даражаси (ПД) вақт, ҳарорат ва инициатор миқдори таъсири ўрганилди.



1-расм. ҚМПЭ га МА ни пайвандлаш реакцияси механизми

1-фаол марказ ҳосил бўлиши, 2-иницирлаш, 3-занжир узатилиши, 4,5-занжир узилиши

Инициатор (БП) концентрацияси 2.66% бўлганида ПД нинг қиймати энг юқори қийматга эришилди (2-расм). Инициаторнинг концентрацияси жуда паст бўлса, эркин радикаллар миқдори ҚМПЭ занжирида фаол марказлар ҳосил қилиш учун етарли бўлмайди ва бу ПД қиймати кичик бўлишига олиб келади.



2- расм. ПД га инициатор миқдори, реакция ҳарорати, ва реакция давомийлиги таъсири.

ПД га реакция ҳароратини таъсири ўрганилганда, ҳарорат 115-120°C гача ПД қиймати ортиб борган ҳолда, ундан юқори ҳароратларда ПД пасайиши кузатилди. Маълумки, ҳарорат ошиши реакция тезлигини ошишига олиб келади, лекин шу билан бирга, бу жараён инициаторнинг тез сарфланишига ва инициаторнинг ўз вазифасини тўлиқ бажармасликка олиб келади, бу ўз навбатида ПД нинг паст қийматарига эга бўлишини таъминлайди. Адабиётлардан маълум, мономер табиати ва реакция шароитига боғлиқ равишда ПБ нинг оптимал ярим парчаланиш даврига эришиш учун 87-105°C ҳароратлар қиймати оптимал ҳисобланади.


Реакция давомийлигини ПД га таъсири ўрганилганда, ПД қиймати реакция давомийлиги 2 соатгача оширилганда кескин ортган ҳолда, ундан юқори реакция давомийлигида деярли ўзгаришсиз қолиши кузатилди. Бунда 2 соат вақт давомида инициатор сарфланиб бўлганлигини тахмин қилиш мумкин.

3-жадвал

Турли хил шароитларда синтез қилинган малеинизацияланган ҚМПЭ нинг пайвандланиш даражаси (ҚМПЭ:МА нисбати 9:1, ҳарорат 110 °C).

| Намуна | БП, % | Вақт, мин | ПД, % |
|-------------|-------|-----------|-------|
| ҚМПЭ-g-МА-1 | 0.66 | 120 | 4.6 |
| ҚМПЭ-g-МА-2 | 1.33 | 120 | 8.0 |
| ҚМПЭ-g-МА-3 | 2.66 | 120 | 9.1 |
| ҚМПЭ-g-МА-4 | 1.33 | 240 | 8.7 |

Синтез қилинган намуналарнинг ИК-спектрларида 1780 см^{-1} соҳада янги чўққи пайдо бўлиб, ПД қийматига боғлиқ равишда чўққининг интенсивлиги ошиши кузатилди.



3-расм. ҚМПЭ ва ҚМПЭ-g-МА нинг ИҚ спектрлари (юқоридан pastга): ҚМПЭ; ҚМПЭ-g-МА-1; ҚМПЭ-g-МА-2; ҚМПЭ-g-МА-4; ҚМПЭ-g-МА-3.

4-жадвал

ҚМПЭ ва ҚМПЭ-g-МА нинг кристалл структураси параметрлари

| Намуна | Дифракция пиклари | 2θ ($^\circ$) | d (\AA) | β_0 (R) | L_{hkl} (\AA°) | χ (%) |
|-------------|-------------------|------------------------|----------------------|----------------------|----------------------------------|------------|
| ҚМПЭ | 110 | 21.3 | 4.16 | $1.74 \cdot 10^{-3}$ | 898.94 | 62.6 |
| | 200 | 23.6 | 3.77 | $1.74 \cdot 10^{-3}$ | 902.45 | |
| ҚМПЭ-g-МА-1 | 110 | 21.3 | 4.16 | $1.74 \cdot 10^{-3}$ | 898.94 | 56.3 |
| | 200 | 23.7 | 3.74 | $2.61 \cdot 10^{-3}$ | 601.80 | |
| ҚМПЭ-g-МА-2 | 110 | 21.2 | 4.17 | $2.61 \cdot 10^{-3}$ | 599.22 | 53.7 |
| | 200 | 23.5 | 3.77 | $1.74 \cdot 10^{-3}$ | 902.37 | |
| ҚМПЭ-g-МА-3 | 110 | 21.2 | 4.18 | $1.04 \cdot 10^{-3}$ | 1498.00 | 42.2 |
| | 200 | 23.6 | 3.77 | $2.09 \cdot 10^{-3}$ | 752.04 | |
| ҚМПЭ-g-МА-4 | 110 | 21.4 | 4.15 | $1.74 \cdot 10^{-3}$ | 899.01 | 49.8 |
| | 200 | 23.7 | 3.75 | $2.09 \cdot 10^{-3}$ | 792.18 | |

кристаллар текисликлари орасидаги масофа (d); максимал чўққининг ярим баландликдаги эни (β_0); кристаллар ўлчами (L_{hkl}); кристалланиш даражаси (χ)

Синтез қилинган намуналарнинг ПД ортиб бориши билан кристалланиш даражаси қиймати кескин камайди, текисликлар орасидаги масофа ва кристалларнинг ўлчамлари кичик қийматларда ўзгариши кузатилди. Буни макромолекула занжирида ён функционал гуруҳлар ҳосил бўлиши билан кристалланиш жараёнида ламеллар таҳланишига фазовий қаршилик пайдо бўлади ва макромолекуланинг тартибланиш даражаси пасайишига олиб келиши билан тушунтириш мумкин.

Термик анализ таҳлиллари шуни кўрсатдики, ҚМПЭ нинг суюқланиш ва кристалланиш ҳарорати синтез қилинган намуналарникидан юқори бўлиб, ҚМПЭ-g-МАларнинг ПД га боғлиқ равишда ўзгарди. ПД қиймати қанчалик юқори бўлса, эриш ва кристалланиш ҳарорати шунчалик юқори бўлиши аниқланди. Олинган натижалар асосида, деструкция активланиш энергиялари (E_A), суюқланиш энталпияси ва кристалланиш даражалари (χ) қийматлари аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида малеинизация жараёни учун оптимал шароит сифатида 110°C ҳарорат, 2 соат ва инициатор миқдори ҚМПЭга нисбатан 1,3% масса миқдорда танлаб олинди.

ТПК ва ПЭ ларнинг ўзаро мойиллигини ошириш учун синтез қилинган ҚМПЭ-g-МА компатибилизатор (КМП) сифатида 2, 5, 10% миқдорларда қўллаб композициялар олинди. КМП нинг миқдори ортиб бориши композициянинг реологик хусусиятларининг ва плёнканинг механик хоссаларининг яхшиланишига олиб келди (5-жадвал).

5-жадвал

ПЭ/ТПК композицияларининг хоссаларига КМП таъсири

| Композиция | ПЭ | ПЭ/ҚМПЭ/ТПК | | | ПЭ/КМП/ТПК | | |
|-----------------|------|-------------|---------|----------|------------|---------|----------|
| Нисбат | - | 68/2/30 | 65/5/30 | 60/10/30 | 68/2/30 | 65/5/30 | 60/10/30 |
| СОК, (g/10 min) | 3,20 | 2,42 | 2,54 | 2,67 | 2,65 | 2,86 | 3,12 |
| σ , МПа | 18.0 | 11,6 | 12,5 | 12,8 | 14,1 | 14,6 | 15,4 |
| ϵ , % | 600 | 369 | 412 | 420 | 450 | 471 | 512 |
| τ , % | 99.8 | 87.0 | 88.8 | 90.0 | 94.0 | 96.5 | 97.0 |

ПЭ/КМП/ТПК таркибли композицион плёнкаларнинг кўрсаткичлари (σ , ϵ , τ) полиэтилен плёнкаси кўрсаткичларига яқин эканлиги, ва ПЭ/НМПЭ/ТПК плёнкаларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга эканлиги кўрсатилди.

Диссертациянинг «Ультратрабинафша нурлар таъсирида парчаланувчи композицион материаллар олиш ва хоссаларини ўрганиш» номли тўртинчи бобида ПЭни оксо-парчаланганини таъминловчи – прооксидант (ПРО) сифатида қўллаш учун ўзгарувчан металл карбоксилат тузи асосида ПЭ билан турли нисбатларда плёнкалар олиш ва хоссаларини ўрганиш ҳамда ПРОни ТПК тутган оксо- ва биопарчаланувчи плёнкалар олиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.

Дастлаб ПРО нинг полимер матрицада бир хил тақсимланишини ҳамда ўзаро мойиллигини ошириш учун компатибилизатор сифатида синтез қилинган ҚМПЭ-g-МАН қўлланилди. Тадқиқотларимизда даставвал икки шнекли экструдерда таркибида 10% гача ПРО тутган компаунд олинди ва унинг асосида тоза ПЭ билан аралаштирилган ҳолда 0.5-3% ПРО тутган композицион пуфлаш экструзия усулида плёнкалар шакллантирилди.


Олинган плёнка намуналарининг атом кучланишли микроскопия тадқиқотлари натижасида полимер матрицасида ПРО заррачалари бир хилда

текис тақсимланган ҳолда, уларининг заррачалари шарсимон кўринишда ва 250-440 нм ўлчамда эканлиги аниқланди.


Тадқиқотлар давомида юқори физик-механик хоссаларга ($\sigma=15,6$ МПа, $\epsilon=520\%$, $\tau=95,5\%$) эга бўлган ПЭ/ТПК/КМП/Про таркибли оксо- ва биопарчаланувчи композицион плёнка намуналари олинди.

Диссертациянинг «Композицион плёнкаларнинг биопарчаланувчанлигини аниқлаш» номли бешинчи бобида ПЭ-Кр, ПЭ-ТПК, ПЭ-КМП-ТПК, ПЭ-КМП-ТПК-ПРО композицион плёнкаларнинг биопарчаланувчанлиги стандарт методларга кўра аниқланди.

Биопарчаланувчи композицион плёнкалар намуналари чиритувчи микроорганизмлар билан бойитилган махсус биогулмусга кўмилган ҳолда турли вақт оралиқларида плёнканинг ташқи кўринишининг ва массасининг ўзгариши, механик хоссаларини аниқлаш орқали биопарчаланувчанлик хусусиятига баҳо берилди. Бунда вақт давомида кўмилган композицион плёнка намуналарининг барча нисбатларида намуналарнинг массалари камайиб бориши (4-расм), плёнка намуналарида микро-тешиклар (5-расм) пайдо бўлиши ва уларнинг механик хусусиятлари (6-жадвал) ёмонлашиши кузатилди.



4-расм.
Композицияларнинг вақт давомида масса ўзгариши: 1-ПЭ, 2-⁸⁰ПЭ²⁰ТПК_{30/00}, 3-⁷⁰ПЭ³⁰ТПК_{30/00}, 4-⁸⁰ПЭ²⁰ТПК_{13/26}, 5-⁷⁰ПЭ³⁰ТПК_{13/26}



5-расм.
Композицияларнинг микрофотографиялари ($\times 130$ м.к.):
⁷⁰ПЭ³⁰ТПК_{30/00},
⁷⁰ПЭ³⁰ТПК_{13/26}


Композицияларининг механик хусусиятларининг ёмонлашиши биогулмусда сақланган композиция таркибидаги тўлдирувчи микдорига боғлиқ равишда кузатилди. Бир ҳил муддатда сақланган бир ҳил микдорда тўлдирувчи тутган ⁷⁰ПЭ³⁰ТПК_{30/00} ва ⁷⁰ПЭ³⁰ТПК_{13/26} намуналарда нисбий ўзгариш қиймати катта эканлиги кузатилди

6- жадвал

Дастлабки ва турли муддат биогумусда сақланган плёнкаларнинг
узилишдаги мустаҳкамлиги


| Намуна | Дастлабки, МПа | 2 ойдан сўнг, МПа | 4 ойдан сўнг, МПа |
|---|-------------------|----------------------|----------------------|
| ПЭ | 17,0 | 16,8 | 16,5 |
| ⁸⁰ ПЭ ²⁰ ТПК _{30/00} | 14,1 | 12,1 | 9,6 |
| ⁷⁰ ПЭ ³⁰ ТПК _{30/00} | 12,5 | 9,4 | 5,8 |
| ⁸⁰ ПЭ ²⁰ ТПК _{13/26} | 15,2 | 13,4 | 10,6 |
| ⁷⁰ ПЭ ³⁰ ТПК _{13/26} | 13,8 | 10,5 | 6,6 |

Ҳар хил таркибли композицияларнинг ультрабинафша нурлар таъсирида парчаланиши плёнкаларнинг ташқи кўринишининг ўзгариши, механик хоссаларининг ёмонлашиши, масса камайиши, структурасида (6-расм) ўзгаришларини ва карбонил индексининг (КИ) ортиши (7-расм) кузатилди.



6-расм.
Турли муддат (0, 10 ва
15 кун пастдан
юқорига қараб) УБЛК
да сақланган
композицион
плёнкаларнинг ИК-
спектрлари

Маълумки, полиолефинларнинг фотодеструкция жараёнида прооксидантлар эркин радикалларни пайдо бўлишига сабаб бўлади, булар молекуляр кислород билан таъсирлашиб, пероксидлар, гидропероксидалар ҳамда функционал гуруҳлар (альдегид, кетон, карбоксил) ҳосил қилади, бу эса полиолефин занжирида автооксидланиш ва парчаланишга олиб келади. УФ-нурлар билан нурланган ва нурланмаган намуналарнинг ИҚ-спектроскопик тадқиқотлари, полиэтиленнинг фотооксидланиш жараёнида турли хил кислород тутган ва тўйинмаган гуруҳли бирикмалар ҳосил бўлишини кўрсатди.



7-расм.
10 ва 15 кун УБЛК да
сақланган
композицион
плёнкаларининг
карбонил индекси

Полимер таркибида оксидланган гуруҳларнинг миқдорини аниқлашда карбонил индекси кўрсаткичидан фойдаланилди. КИ ни аниқлашда карбонил гуруҳнинг валент тебранишларига ҳос бўлган (1740 см^{-1}) чўққининг интенсивлигининг (юзаси) ва ПЭ молекуласининг $-\text{CH}_2-$ гуруҳининг валент тебранишларини намоён қилувчи (1470 см^{-1}) чўққи интенсивлигига нисбати орқали ҳисоблаб топилди. ПРО нинг миқдори ошиши билан ва нурланиш вақт давомида КИ нинг ортиб бориши намуна таркибида кетон гуруҳлар миқдорининг ортиб боришини ва бу полимер матрицада вақт давомида фотодеструкция жараёни бораётганини англатади.

Плётка намуналарини УФ-нурлар билан нурлатиш натижасида уларнинг механик хоссалари ($\sigma=6\text{ МПа}$) ва ($\varepsilon=5\%$) ёмонлашишига олиб келди. Узоқ вақт давомида нурлатилган плётка намуналарнинг механик кўрсаткичларини ўлчаш имконияти бўлмади, чунки плёткалар мўрт бўлиб, ушлаганда майдаланиб кетиши кузатилди.

Олинган оксо- ва биопарчаланувчи плётка намуналари табиий муҳитда парчаланшини аниқлаш бўйича дала шароитида тадқиқотлар олиб борилди. Оксо- ва биопарчаланувчи плётка намуналари микроорганизмлар ва қуёш нурлари таъсирида табиий муҳитда 4 ой давомида парчаланиб кетганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «**Олинган илмий натижаларнинг амалий жиҳатлари**» номли олтинчи бобида олинган фундаментал натижаларни амалиётга жорий қилиш имкониятлари бўйича амалий изланишлар олиб борилди. Бунда даставвал яратилган таркиб асосида биопарчаланувчи компаунд ва плёткалар ишлаб чиқариш технологияси таклиф қилинди. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида олинган амалий натижалар асосида маҳсулотни ишлаб чиқариш учун талаб қиладиган барча меъёрий техник ва технологик хужжатлар тўплами шакллантирилди ва тегишли идоралардан рўйхатдан ўтказилди. Жумладан, ЎзР ССВ билан келишилган ва «Ўзстандарт» агентлигида 112/0010312-сон билан рўйхатга олинган «Биологик парчаланадиган полимер компаундлар» Ts 21889093-01:2019 ташкилот стандарти ва 112/0010313-сон билан рўйхатга олинган «Биологик

парчаланадиган полимер плёнкалар” Ts 25261285-08:2019 ташкилот стандарти яратилди. Бундан ташқари, ЎзР ССВ билан келишилган, биологик парчаланадиган полимер бирикмаларини ишлаб чиқариш бўйича ТИ 21889093-01:2019 технологик йўриқномаси ва биологик парчаланадиган полимер плёнкалар ишлаб чиқариш бўйича ТИ 25261285-08:2019 технологик йўриқномаси ишлаб чиқилди.

Яратилган биопарчаланувчи компаунд плёнкаларнинг инсон организмга хавфсизлигини тасдиқлаш учун ЎзР ССВ Санитария, гигиена ва профкасалликлар ИТМ ва Тошкент тиббиёт академияси илмий текшириш лабораторияси томонидан текширувлар ўтказилди ва ижобий хулосалар олинди. Биопарчаланувчи плёнкаларнинг табиий шароитда парчланиши натижасида тупроқ структурасига салбий таъсир қилмаслигини исботлаш мақсадида плёнкаларнинг биопарчаланган жойида тупроқ таркиби ЎзР Геология давлат қўмитасининг Марказий лабораториясида ҳамда ЎзР Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси қошидаги Тупроқшунослик ва агрохимё илмий тадқиқот институти томонидан синовлар ўтказилди ва ижобий натижалар олинди.

ХУЛОСАЛАР

1. Турли ўсимликлар таркибидан ажратиб олинган крахмаллар ПЭ билан биопарчаланувчи композициялар олишда қўллаш имкониятлари қўрсатилди. ПЭ ва Kr_m асосида олинган композицияларнинг физик-механик, оптик ҳамда реологик хусусиятлари жиҳатидан Kr_r ва Kr_k асосида олинган композициялардан юқори кўрсаткичларига эга эканлиги аниқланди.

2. Kr_m нинг ПЭ билан мойиллигини ошириш мақсадида пластификаторлар иштирокида пластификация (желатинизация) жараёни амалга ошириш орқали термопластик крахмал олиш имкониятлари қўрсатилди. Бунда пластификатор сифатида глицерин/сорбитол (30/00, 13/26 нисбатда) қўлланилган ҳолда, температура, вақт бўйича оптимал шароитлар топилди. Олинган ТПК физик ва физик-кимёвий усулларда тадқиқ қилинди ва пластификатор ҳамда крахмал орасида Н-боғланишлар ҳосил бўлиши, ТПК кристалл структура параметрлари ўзгарган ҳолда, кристалланиш даражаси пасайиши ва табиий крахмалда мавжуд бўлмаган $18,3^\circ$ да V_a -типдаги ҳамда $20,3^\circ$ да V_h -типдаги янги кристаллар ҳосил бўлиши кузатилди. ТПК ва ПЭ асосида турли нисбатларда композициялар олинди ва бу композицияларнинг механик ва реологик хоссалари ПЭ/ Kr композицияларга нисбатан яхшиланганлиги кузатилди ва бу крахмалнинг термопластик хоссага эга бўлиши ҳисобига ПЭ билан юқори ҳароратда аралаштиришга мойиллиги ошиши билан тушунтирилди.

3. ҚМПЭ ни МА билан модификациялаш усули ёрдамида компатибилизаторлик хоссасини номоён қилувчи юқори пайвандлаш даражасига (9%) эга бўлган ҚМПЭ- g -МА синтез қилинди ва реакциянинг оптимал шароитлари топилди (инициатор концентрацияси 1.33% м.н., реакция давомийлиги 120 мин, ҳарорат 110°C) ҳамда унинг структураси ва

таркиби ИҚ-спектроскопия, рентгенографик анализ ва титрометрик усуллар ёрдамида тасдиқланди.

Синтез қилинган ҚМПЭ-g-МА полиэтилен ва ТПК асосида композиция олишда компатибилизатор сифатида қўлланилди; компатибилизатор ПЭ ва ТПК нинг ўзаро мойилигини оширишини ва дисперс фазанинг полиолефин матрицада бир текис тақсимланишини таъминлаган ҳолда, композициянинг узилишдаги мустаҳкамлиги, нисбий чўзилувчанлиги, суёқланмада оқиш кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келди.

4. Карбон кислоталарнинг ўзгарувчан металл тутган тузлари асосида полиолефинда ультрабинафша нурлар таъсирида деструкция жараёнини иницирловчи прооксидант (оксо-қўшимча) синтез қилинди ва полиэтилен асосида оксо-парчаланувчи композициялар олинди. Композициялар физик ва физик-кимёвий усулларда хоссалари ва структураси тўлиқ таҳлил қилинди, прооксидантнинг полимер матрицада синтез қилинган янги компатибилизатор иштирокида бир текис тақсимланиши орқали композицияларнинг юқори механик хоссаларга эга бўлишига эришилди.

5. Ҳам микроорганизмлар ҳам УБ-нурлар таъсирида биопарчалануш хусусиятига эга бўлган, таркибида ТПК ва ПРО тутган полиэтилен композициялар олинди. ПЭ/ТПК, ПЭ/ПРО, ПЭ/ТПК/ПРО таркибли композициялар стандартланган усуллардан фойдаланилган ҳолда, таркибига боғлиқ равишда, микроорганизмлар ва УБ-нурлар таъсирида биопарчалануш хусусиятига эга эканлиги лаборатория ва табиий шароитларда ўтказилган экспериментлар натижалари асосида исботланди. Яратилган биопарчаланувчи композициялар ва материалларнинг инсон соғлигига ҳамда биопарчалангандан кейин тупроқ таркиби ва структурасига хавфсиз эканлиги тегишли идораларнинг (ЎзР ССВ Санитария, гигиена ва профкасалликлар ИТМ ва ТТА илмий текшириш лабораторияси; ЎзР Геология давлат қўмитасининг Марказий лабораториясида ҳамда ЎзР Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси қошидаги Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти) хулосалари билан тасдиқланди.

6. Биопарчаланувчи композиция ва материалларнинг ишлаб чиқариш технологияси яратилди ва “Жиззахпластмасса” АЖ да апробациядан ижобий ўтди; ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун зарурий бўлган меърий техник ва технологик ҳужжатлар (ташкилот стандартлари, технологик йўриқномалар) шакллантирилди ва тегишли идоралардан (ЎзР ССВ, Узстандартт агентлиги) рўйхатдан ўтказилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

ИНСТИТУТ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ

ТУРДИКУЛОВ ИСЛОМ ХАЙИТБОЙ УГЛИ

**ПОЛУЧЕНИЕ, СТРУКТУРА И СВОЙСТВА БИОРАЗЛАГАЕМЫХ
МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ ПОЛИЭТИЛЕНА**

02.00.06 – Высокомолекулярные соединения

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.4.PhD/К437.

Диссертация выполнена в Институте химии и физики полимеров.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

| | |
|-------------------------------|--|
| Научный руководитель: | Атаханов Абдумутолиб Абдупатто угли доктор технических наук |
| Официальные оппоненты: | Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич доктор химических наук, профессор Рафиков Адхам Салимович доктор химических наук, профессор |
| Ведущая организация: | Ташкентский химико-технологический институт |

Защита диссертации состоится «10» июня 2022 г. в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.К/FM/Т.36.01 при Институте химии и физики полимеров по адресу: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 76. Тел. (99871) 241-85-94; факс: (99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за № 31 (Адрес: 100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 76, Тел. (99871) 241-85-94)

Автореферат диссертации разослан « 26 » мая 2022 года.
(протокол рассылки № 4 от 26 2022 года).

С.Ш.Рашидова

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор, академик

М.М.Усманова

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.х.н., старший научный сотрудник

В.О.Кудышкин

Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению ученых
степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. С расширением области применения синтетических полимерных материалов, увеличивается объем пластиковых отходов, образующихся на их основе и их негативное влияние на экосистему природы. Большие сроки разложения пластиковых отходов в естественных условиях приводят к глобальной экологической проблеме и решение этой проблемы с использованием научных подходов является одним из актуальных вопросов современной науки.

На сегодняшний день во всем мире активно ведутся исследования по решению вопроса утилизации синтетических полимерных отходов, в частности, повторная переработка отходов с получением продукции технического назначения, создание биоразлагаемых композиций путем включения добавок различной природы и др.. В связи с этим, проведение научных исследований по созданию биоразлагаемых композиций путем добавления к синтетическим полимерам биоразлагаемых природных высокомолекулярных соединений и добавок, инициирующих процесс фотодеструкции под действием ультрафиолетовых лучей является актуальным.

В Республике особое внимание уделяется научно-прикладным исследованиям, направленным на сохранение экосистемы, внедрению зеленых технологий, созданию экологически безопасной полимерной продукции. Обеспечивается высокий уровень научных исследований в области разработки импортозамещающей и экспортоориентированной продукции на основе местного сырья, принимаются комплексные меры по поддержанию экономического роста и местного производства, и достигаются значительные результаты в производстве конкурентоспособной полимерной продукции.

В Стратегии действий Нового Узбекистана по дальнейшему развитию страны¹ и Концепции развития науки до 2030 года² были поставлены задачи «...производство готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки ресурсов местного сырья...». В связи с вышеотмеченным, весьма актуальным является проведение исследований по созданию экологически безопасных биоразлагаемых полимерных композиций на основе местных синтетических полимеров и освоение технологии их производства.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Постановлениях и Указах Президента Республики Узбекистан, в частности ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению

¹Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28.01.2022 г. «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы

² Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-6097 от 29.10.2020 г «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года»..

